

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ЎЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Ped.26.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ПАНФЕРОВА ИРИНА ВИТАЛИЕВНА

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАЛАБАЛАРИДА КАСБИЙ
ЙЎНАЛТИРИЛГАН КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2019

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on
Pedagogical Sciences**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

Панферова Ирина Виталиевна

Олий таълим муассасалари талабаларида касбий йўналтирилган
компетенциясини
шакллантириш..... 3

Panferova Irina Vitalievna

Formation of professionally-oriented competence of students of higher
educational
institutions..... 21

Панферова Ирина Виталиевна

Формирование профессионально-ориентированной компетенции
студентов высших учебных заведений
..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published
works..... 45

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ЎУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Ped.26.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ПАНФЕРОВА ИРИНА ВИТАЛИЕВНА

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАЛАБАЛАРИДА КАСБИЙ
ЙЎНАЛТИРИЛГАН КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.4.PhD/Ped350 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида www.tdpu.uz ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида www.ziyounet.uz жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Шарипов Шавкат Сафарович
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ахмедова Лайлохон Толибжоновна
педагогика фанлари доктори, профессор

Шадиев Рустам Нарзикулович
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори,
профессор

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат чет тиллари институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Ped.26.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси 27-уй. Тел.: (99871) 276–79–11; факс: (99871) 276-80–86; e-mail: tdpu_kengash@edu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси 27-уй. Тел.: (99871) 276–79–11.

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ да тарқатилди.
(2019 йил _____ даги _____ - рақамли реестр баённомаси).

Р.Х.Джураев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, п.ф.д., академик

Р.Г.Исянов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.н., доцент

А.А.Абдукодиров

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар
раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё олий таълим муассасаларида талабаларнинг касбий йўналтирилган компетенциясини чет тили таълими жараёнида ривожлантиришнинг ташкилий-педагогик, психолингвистик омиллари, лингводидактик жиҳатлари тадқиқ этилган. Жумладан, JCM International Management Engineering Institute (Хитой Халқ Республикаси), БМТ ҳузуридаги International Institute for Sustainable Development (IISD) илмий муассасаларда, Carl Wieman Science Education Initiative (CWSEI) лойиҳаси доирасида (Канада) олий таълим муассасалари талабаларнинг нутқий кўникма ва малакаларини ESP (English for Specific Purposes – махсус мақсадларда инглиз тили) касбий тайёргарлигини муайян олий таълим муассасасининг ихтисослашувини ҳисобга олган ҳолда ривожлантирилмоқда.

Дунё таълим тизимларининг халқаро интеграциялашуви шароитида талабаларнинг касбий йўналтирилган компетенцияларини меҳнат бозорининг жиддий минтақалашуви асосида ривожлантириш, касбий тайёргарликнинг муҳим компоненти сифатида чет тилидан устувор фойдаланиш, жамиятда ижтимоий-тил стратегиялари самарадорлигини ошириш ва уларни ривожлантириш истиқболлари бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Улар THE, QS, RUR халқаро рейтинглар таҳлиliga мувофиқ University of Tokyo (Япония), Seoul National University (Жанубий Корея), National University of Singapore (Сингапур), Peking University (ХХР) да муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Республикамизда ёш авлоднинг чет тиллардан фойдаланиб касбий йўналтирилган компетенцияларини ривожлантиришнинг мезоний асослари яратилган, хорижий давлатлар таълим муассасаларининг филиаллари, қўшма факультетлар фаолияти йўлга қўйилган, уларнинг замонавий моддий-техник базаси яратилган, ўқув режалари ишлаб чиқилган ва ўқув дастурлари жорий қилинган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “демократик ислохотларни амалга ошириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида олий таълим тизимида мутахассисларнинг касбий тайёргарлик сифатини ошириш зарурати” таъкидланиб, “дунё таълим тизими ютуқларидан келиб чиққан ҳолда юксак умумий ва касбий маданиятли, ижодий ва ижтимоий фаол, жамиятда ўзини ўзи бошқара олишга қодир, истиқболли вазифаларни белгилай оладиган кадрларнинг янги авлодини шакллантириш”¹ вазифаси устувор этиб белгиланди. Демак, олий таълим муассасалари талабаларининг касбий ижтимоийлашуви омили сифатида касбий йўналтирилган

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони. – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.; 20-сон. 354-модда; 23-сон. – 448-модда; 29-сон –. 683-модда, 685-модда // <http://lex.uz>

компетенцияларини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сон, 2017 йил 27 июлдаги «Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 3151-сон қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги “Таълим муассасаларида чет тили ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 610-сон қарори, шунингдек, мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. М.Абдуллаева, Л.Ахмедова, У.Бегимкулов, Д.Джалалов, У.Иноятов, Г.Ирмухамедова, Г.Махкамова, В.Нормуратова, Ф.Рашидова, К.Рискулова, Ф.Саидова, Т.Саттаров, М.Уразова, Н.Шариповалар таълим соҳасида ижтимоий-педагогик, ижтимоий лингвистик ва лингводидактик масалаларга доир илмий тадқиқотларни амалга оширишган. Таълим жараёнига таъсир кўрсатадиган турли аффектив компонентларнинг психологик механизмлари, ижтимоийлашув жараёнлари М.Давлетшин, В.Каримова, О.Мусурмонова, З.Нишонова, Ш.Шарипов, Ғ.Шоумаров, Н.Эгамбердиеваларнинг илмий ишларида ўрганилган.

МДХ давлатларида илмий тадқиқотлар давомида талабалар компетенцияларини шакллантириш усуллари турли нуқтаи назардан таҳлил қилиш ва тизимлаштириш масалалари В.Байденко, А.Залевская, И.Зимняя, Н.Ложкина, В.Петрова, О.Поляков, Ж.Пустовалова, Н.Усвят каби олимлар томонидан ўрганилган.

Махсус мақсадларда чет тили ўқитишнинг ўзига хосликлари ва назарий асослари Н.В.Ван Дайк, Д.Картер, Т.Дадли-Эванс, Р.Гарднер, Р.Маккай, Т.Натчинсон, Р.Стревенс, А.Ватерс каби чет эллик олимлар томонидан тадқиқ қилинган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертацион тадқиқот Тошкент давлат педагогика университети илмий-техник дастурлари режаси асосида инглиз тили

назарияси ва ўқитиш методикаси кафедраси илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади олий таълим муассасалари талабаларининг касбий йўналтирилган компетенциясини шакллантириш механизмларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

талабаларни чет тилини ўрганиш жараёнида касбга йўналтириб тайёрлаш назарияси ва амалиётини таҳлил қилиш, дунё тажрибаси асосида олий таълим муассасалари талабаларининг касбий тайёргарлигини замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда такомиллаштириш;

олий таълим муассасалари талабаларининг касбий йўналтирилган компетенциясини шакллантириш жараёнининг ташкилий-педагогик, психолингвистик омиллари, лингводидактик жиҳатларини аниқлаштириш;

талабаларнинг касбий йўналтирилган компетенциясини шакллантиришнинг педагогик механизмларини чет тилини ўқитишнинг инновацион технология ва воситалари мажмуасини жорий қилиш йўли билан такомиллаштириш;

олий таълим муассасалари талабаларида касбий йўналтирилган компетенцияларни шакллантиришда чет тилини ўқитишни амалга оширишдаги ўзига хосликларини ҳисобга олган ҳолда тил тайёргарлиги жараёнини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти олий таълим муассасалари иқтисодиёт йўналиши талабаларининг касбий йўналтирилган компетенциясини шакллантириш жараёни.

Тадқиқотнинг предмети олий таълим муассасалари талабаларининг касбий йўналтирилган компетенциясини шакллантиришнинг педагогик шарт-шароитлари, шакл, метод ва воситалари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида ижтимоий-педагогик (кузатув, далилларни тўплаш ва ўрганиш, таҳлил қилиш ва чет тили ўқитиш тажрибасини умумлаштириш, анкета, суҳбат, тест); лингвистик тавсифлаш (ретроспектив, компонент, қиёсий-чоғиштира, умумлаштириш, талқин (интерпретация); лойиҳалаш ва моделлаштириш; педагогик тажриба-синов (изланишли ва тажрибавий ўқитиш, ташхис қилиш ва назорат ўлчамлари); математика-статистика (маълумотларни миқдорий қайта ишлаш) методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

олий таълим муассасалари талабаларини чет тили машғулотида касбга йўналтириб тайёрлаш механизми ESP (махсус мақсадлар учун инглиз тилини) иқтисодиёт соҳасида тор йўналишда ихтисослаштиришни ЕВЕ (бизнес ва иқтисодиёт учун инглиз тили) билан модификациялаб такомиллаштирилган;

чет тилини касбга йўналтириб ўқитиш жараёнининг педагогик имкониятлари ESP таснифни ихтисослашиш категорияларига модификациялаш асосида такомиллаштирилган;

инглиз тилида иқтисодий дискурслар шаклида маданиятлараро касбий даражада мулоқот қилишга асосланган прагма-функционал ёндашув тузилмаси касбий йўналтирилганлик, функционаллик, ижтимоийлашув, интеграциялашув, формаллаштириш ва ихтисослаштириш принципларига устуворлик бериб такомиллаштирилган;

касбий йўналтирилган билим, амалий йўналтирилган малакалар, касбий ахборот билан ишлашда танқидий фикрлаш, касбга йўналтирилган вазиятли масалаларни ечишда касбий фаолиятга тегишли тил тайёргарлиги технологиялари ва шакллари такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

касбий йўналтирилган компетенцияларни шакллантиришнинг чет тилига интерфаол ўқитиш жараёнини такомиллаштириш ва жадаллаштириш механизмлари, ўзга тилли касбий мулоқот кўникмаларини баҳолаш, олий таълим муассасалари талабаларининг касбий йўналтирилган компетенцияларни шакллантириш моделини амалга ошириш даражаси ва фаолият самарадорлигини аниқлашнинг диагностик аппарати жорий қилинган;

чет тилини касбга йўналтириб ўқитиш жараёнини мақбуллаштиришда қўлланиладиган интерфаол усулларнинг илмий-педагогик жиҳатлари аниқлаштирилган, бу эса аудиторияда ва аудиториядан ташқари машғулотларда талабаларни фаоллаштириш имконини берган. Шу билан бирга, касбга йўналтирилган компетенцияларни шакллантиришга ёрдам берадиган ҳорижий тилларни ўқитишнинг инновацион шакллари ва уларни махсус мақсадлар учун инглиз тилини ўқитиш жараёнида ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш ва уларни амалиётга татбиқ этиш механизмлари белгиланган;

чет тилина касбга йўналтириб ўқитишнинг методик таъминоти ишлаб чиқилган, у “Чет тилини интенсив ўқитиш методикаси” методик қўлланмаси (ISBN: 978-9943-4874-4-4) мазмунида ўз аксини топган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертация ишида расмий манбалардан олинган илмий асосланган маълумотлардан фойдаланилганлиги, таҳлилий ва экспериментал ишланмаларнинг самарадорлиги математик-статистик методлар воситасида асосланганлиги, ишлаб чиқилган ёндашув ва технологияларнинг амалий реализацияси, шунингдек, олинган натижалар, таклиф ва тавсияларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олий таълим муассасалари талабаларида касбий йўналтирилган компетенцияни шакллантириш орқали уларни муваффақиятли ижтимоийлаштиришга қаратилган касбий таълимга

прагма-функционал ёндашувнинг татбиқ этилганлиги; олий таълим муассасалари талабаларини касбга тайёрлаш жараёнининг назарий ғоя ва методологик тавсиялар билан бойитилганлиги; иқтисодий дискурсни ташкил қилиш ва ўтказиш жараёнларини самарали лойиҳалаштириш механизмларининг такомиллаштирилганлиги; тадқиқот муаммосини ижобий ҳал қилишни таъминлайдиган илмий-методик тавсияларнинг ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти чет тили бўйича ижтимоий-гуманитар, умумкасбий ва ихтисослик фанлари ўқув дастурларининг мазмунини бойитиш ва сифатини оширишга доир малака талабларини ишлаб чиқиш, чет тилини касбга йўналтириб ўқитиш жараёнига лойиҳа таълим технологияларини жорий қилиш самарадорлигини оширишда қўллаш мумкинлигидан иборат.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ишлаб чиқилган касбий тайёргарлик жараёнида олий таълим муассасалари талабаларининг касбий йўналтирилган компетенциясини шакллантириш тизимини жорий қилиш ва амалий мақсадларда инглиз тилини ўқитишга инновацион касбга йўналтирилган ёндашув ва технологиялардан фойдаланиш асосида:

касбий фаолиятнинг тил тайёргарлиги асосида чет тилини касбга йўналтириб ўқитиш жараёнининг педагогик имкониятлари ESP таснифини йўналишини ихтисослаштириш категорияларига модификациялаш асосида такомиллаштирилган ва нофилологик таълим йўналишидаги ОТМларда инглиз тили ўқитиш таълим жараёнига татбиқ этилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 9 ноябрдаги 03-0204-сон маълумотномаси). Натижада бу талабаларда аудиторияда ва аудиториядан ташқари ишларда фаолликни кучайтиришда ESP таснифини йўналишидан фойдаланиш имконияти яратилган;

инглиз тилида иқтисодий дискурслар шаклда маданиятлараро касбий даражада мулоқот қилишга асосланган прагма-функционал ёндашув тузилмаси касбий йўналтирилганлик функционаллик, ижтимоийлашув, интеграцияланган формаллаштириш ва ихтисослаштириш принципларидан таълим жараёнида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 9 ноябрдаги 03-0204-сон маълумотномаси). Натижада хорижий тилларни ўқитишнинг инновациялаштирилган шакллари университет талабаларининг чет тилидан билим сифатини оширишга ҳамда уларни амалиётга тадбиқ этиш компетенцияларини оширишга хизмат қилган;

касбий йўналтирилган билим, амалий йўналтирилган малакалар, касбий ахборот билан ишлашда танқидий фикрлаш, касбга йўналтирилган вазиятли масалаларни ечишда касбий фаолиятга тегишли тил тайёргарлиги технологиялари ва шаклларидан таълим жараёнида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 9 ноябрдаги 03-0204-сон маълумотномаси). Натижада талабаларнинг касбга

йўналтирилган тил тайёргарлигини талаб этувчи технологиялардан фойдаланиш имкониятлари яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 17 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 41 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этган илмий нашрларда 16 та мақола, шундан 6 таси республика ва 10 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 152 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, диссертация мавзусига оид хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи ва муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети аниқланган, ишнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, шунингдек, тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасидаги маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг «**Олий таълим муассасалари талабаларини касбга йўналтириб тайёрлашнинг амалиётдаги ҳолати**» деб номланган биринчи бобида давлат таълим стандартлари ва меъёрий ҳужжатлар, чет тилини махсус мақсадларда ўқитишнинг ўзига хосликлари, замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда касбий йўналтирилган таълимни ташкил этишнинг психологик-педагогик асослари ўрганилган.

Талабаларни касбга йўналтириб тайёрлашни ташкил этиш мазкур жараёни амалга ошириш учун самарали ёндашув ва шарт-шароитларни талаб қилади. Олий касбий таълимнинг Ўзбекистон Республикасида давлат, жамият ва шахснинг замонавий ва истиқболли эҳтиёжлари, иқтисодиётнинг янги талаб катта бўлган соҳалари бўйича меҳнат бозори конъюктурасини, аввало юқори ва инновацион технологиялар соҳасини ривожлантириш, шунингдек, профессионал кадрларни тайёрлаш дунё тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда, олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари давлат таълим стандартларининг қабул қилиниши таълимга компетенциявий ёндашувни жорий этиш асосида талабаларни инновацион ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратмоқда.

Айниқса, касбий тайёргарлик натижавийлигига эришиш, инновацион билим ва кўникмаларни таркиб топтириш, талабаларнинг умуммаданий ва касбий компетенциясини шакллантиришга асосий эътибор қаратилмоқда.

Касбий йўналтирилган компетенцияни шакллантириш хусусиятлари, олий таълим муассасалари талабаларининг тил тайёргарлиги даражасига қўйиладиган замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда инглиз тилини махсус мақсадларда ўқитишнинг қўйидаги ўзига хосликлари аниқлаштирилди: 1) инглиз тилини махсус мақсадларда ўрганиш (ESP) умумкасбий фанлар билан боғлиқ ёки айнан мазкур фанларни ўқитишга мўлжалланган; 2) инглиз тили умумий курсини ўқитишга (GE) қўйиладиган умумий талаблар билан бирга, махсус мақсадлар асосида ўқитиш жараёнида муайян методикаларни қўллаш зарур. Шундан келиб чиқиб, ESP таснифини ихтисослашиш категорияларига модификациялаш зарур. Чунки фан, техника, ахборот технологияларининг замонавий ривожини, ахборот ҳажмининг ортиши, касб йўналишлари доирасининг кенгайиши, янги мутахассислик ва фаолиятнинг барча турларида, жумладан иқтисодиёт соҳасида, аниқ касбий ихтисосликларнинг пайдо бўлиши, унинг бошқа соҳалар билан интеграцияси ва ўзаро таъсири иқтисодиётнинг айнан, маркетинг, менежмент, молия ва кредитлаш, банк иши, фонд бозорлари ва бошқа касбий соҳаларини инглиз тилини касбга йўналтириб ўқитиш заруратининг ортишини белгилайди.

Шундай қилиб, тадқиқот натижалари ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган талабларни эътиборга олган ҳолда олий таълим муассасаларида чет тилини касбга йўналтирилиб ўқитиш жараёнини шундай ташкил қилиш зарурки, унинг мақсади касбий йўналтирилган компетенцияни шакллантиришдан иборат бўлиши лозим. Тақлиф этилган касбий йўналтирилган компетенция иузилмаси нутқий фаолият назарияси қоидаларига тўлиқ мос келиб, бу назария нутқий умумлашмаларни яратиш жараёнини блоклар (жумла интенцияси, элементларни танлаш ва структуралаш, ташқи нутқда расмийлаштириш, фикр (жумла) ни ташқи реализациялаш) бўйича тавсифлайди (1-расм).

Бўлажак мутахассисларда шакллантирилиши лозим бўлган компетенцияларни таҳлил этиш асосида тадқиқот доирасида касбий йўналтирилган компетенция тушунчаси касбий билим ва малакалар, дискурсив шаклда мулоқотга киришишга доир амалий кўникмалар, касбий ва иқтисодий тушунчалардан самарали фойдаланиш, касбий вазибаларни ҳал қилишга қаратилган таҳлилий, танқидий, креатив фикрлаш лаёқати сифатида талқин қилинди.



1-расм. Касбий йўналтирилган компетенция структураси

Диссертациянинг “Чет тилини касбга йўналтириб ўқитиш жараёнини ташкил этишнинг назарий асослари” деб номланган иккинчи бобида чет тилини махсус мақсадларда ўргатиш жараёнига иқтисодий дискурсни жорий этишнинг психолингвистик ва лингводидактик назариялари таҳлил қилинган.

Ҳозирги вақтда чет тилини ва ўзга тилли касбий фаолиятга ўргатиш самарадорлигига фақат мулоқотни ўқитишнинг мақсади ва пировард натижаси сифатида белгилаш орқали эришиш мумкин. Иккинчидан, нутқий фаолиятга ўргатиш нутқий кўникмаларни ноль даражадан бошлаб шакллантиришни кўзда тутмайди, чунки талабаларда она тилида касбий вербал мулоқот кўникмалари мавжуд. Демак, она тили ва ўрганилаётган тилни нутқий фаолиятнинг оператив тузилмаси ўзаро мослигини қиёслаш, психолингвистик моделини ишлаб чиқиш ва коррекцион тизимини ишлаб чиқиш зарур. Учинчидан, тил материални ўргатишда ўзга тилли касбий фаолиятга ўргатишдаги умумий жараёнида тил таълимининг психологик функциясини инкор қилиб бўлмайди. Ушбу ҳолатлар (қоидалар) олий таълим муассасаларида чет тилини ўқитиш жараёнини эҳтимолий психологик жадаллигини таъминлаш йўллари белгилаш учун асос бўлди. Шунга кўра, тил таълимини ташкил этишга доир психологик ёндашувлар, тамойиллар, ташкилий ва педагогик шарт-шароитлар, касбга йўналтириб ўқитишнинг мақсад ва вазифаларини касбий лингвистик материал ва нутқий фаолиятнинг алоҳида функцияларига мувофиқ амалга ошириш метод ва воситаларини ўз ичига олган муайян психологик йўналишларини белгилаш учун интенсив методология (интенсив методларга психолингвистик ёндашувлар, суггестопедия, шахсга йўналтирилган

таълим муҳити, лингвистик проекция, интегративлик каби) стратегиялари мазмунининг фаолиятга йўналганлиги зарур бўлиб, улар талабаларнинг чет тилларни ўрганиш қобилиятларини оширишга ёрдам беради ва айти пайтда чет тили ўқитувчиларда ўқитишнинг самарали шакл ва методларни қўллашга мотивация ҳосил қилади.

Шунга кўра, ушбу боб доирасида олий таълим муассасаларида махсус мақсадларда инглиз тилини (ESP) ўрганишнинг назарий-амалий ва лингводидактик асослари аниқлаштирилди, улар асосида ESP ўқитишнинг лингводидактик жиҳати хусусий онтологик қоидалари шакллантирилди. Лингводидактика онтологиясининг дидактик ўзаро уйғунликни талаб этадиган жиҳатининг мураккаблиги сабабини дарслик микротили, бир томондан, ўқув ва ўқув ресурси, иккинчи томондан, дарсликнинг экстралингвистик элементлари ва ўқитиш методининг ўзаро бир-бирига мувофиқ келишига эришиш лозимлиги билан асослаш мумкин. Бунда тегишли вазият учун дидактик ўзаро ҳамкорликнинг мақбул турини танлаш таълимни мақбуллаштиришнинг тобора муҳим компоненти ҳисобланади. Демак, лингводидактик хусусий онтология қоидалари иқтисодий дискурсни инглиз тилини махсус мақсадларда ўқитиш (ESP) жараёнини лингвистик тавсифлашга кўмаклашади. Бунда коммуникация, иқтисодий коммуникациянинг дискурсив мотивлари, мақсадлари, йўналиши, услуги ва жанрининг ўзига хосликлари иқтисодиёт соҳасига боғлиқ бўлади (2-расм).



2-расм. Иқтисодий дискурсларнинг ихтисослашуви

Иқтисодий дискурслар тузилмаси, тури, шакллари ва ихтисослашуви реал-конструкторлик ва коммуникацион ўзаро ҳамкорлик асоси сифатида тақдим қилинди. Бунда иқтисодий дискурслар иқтисодий реалликни тушуниш ва ташкил билан бирга интеграцияланган. Мазкур иқтисодий дискурс моделлари 1-жадвалда келтирилган.

Маълум дискурс доирасида билишнинг бирор-бир шакли реалликни ҳосил қилишнинг бошқа дискурсларини қўллаш асосида таҳлил қилинади. Илмий тарзда ташкил қилинган онг дискурснинг тегишли шаклларида турли конструкцияларни қабул қилиб, ўзгариш хусусиятига эга.

1-жадвал

Иқтисодий дискурс моделлари

<i>Тури</i>	<i>1. Бозор муносабатлари доирасида</i>	<i>2. Давлатлараро ҳамкорлик доирасида</i>	<i>3. Макроиқтисодий жараёнларни глобаллаштириш доирасида</i>
<i>1. Илмий-иқтисодий дискурс</i>	<i>1.1. “Бозор муносабатлари доирасида илмий-иқтисодий дискурс”</i>	<i>1.2. “Давлатлараро ҳамкорлик доирасида илмий-иқтисодий дискурс”</i>	<i>1.3. “Макроиқтисодий жараёнларни глобаллаштириш доирасида илмий-иқтисодий дискурс”</i>
<i>2. Интеграцион иқтисодий дискурс</i>	<i>2.1. “Бозор муносабатлари доирасида интеграцион иқтисодий дискурс”</i>	<i>2.2. “Давлатлараро ҳамкорлик доирасида интеграцион иқтисодий дискурс”</i>	<i>2.3. “Макроиқтисодий жараёнларни глобаллаштириш доирасида интеграцион иқтисодий дискурс”</i>
<i>3. Оммабон иқтисодий дискурс</i>	<i>3.1. “Бозор муносабатлари доирасида оммабон иқтисодий дискурс”</i>	<i>3.2. “Давлатлараро ҳамкорлик доирасида оммабон иқтисодий дискурс”</i>	<i>3.3. “Макроиқтисодий жараёнларни глобаллаштириш доирасида оммабон иқтисодий дискурс”</i>

Диссертациянинг **“Олий таълим муассасалари талабаларининг касбий йўналтирилган компетенциясини шакллантириш механизмлари”** деб номланган учинчи бобида касбий йўналтирилган компетенциясини шакллантириш алгоритмини жорий қилиш ва унинг фаолият самарадорлигини ошириш мақсадида марказида бир томондан, ўрганилаётган тил, унинг фаолият кўрсатиш муҳити, нутқий тузилмаси, иккинчи томондан эса, фаолият тузилмаси билан алоқаси турадиган прагма-функционал ёндашув концепцияси ишлаб чиқилди.



3-расм. Олий таълим муассасалари талабаларининг касбий йўналтирилган компетенциясини шакллантириш алгоритми

Мазкур концепциянинг прагматик жиҳати ўрганилаётган тилдан нутқий фаолиятда фойдаланиш мақсадлари ва натижаларига эришилганликни аниқлашга хизмат қилишидир. Функционаллик нафақат чет тилида мулоқот услублари ва қоидалари, балки маълум касбий муҳитда тил кодлари, умуман, борлиқ қоидалари ва хусусан, иқтисодий жараёнларни ҳам билишни назарда тутди. Шу сабабли, фикримизча, прагма-функционал ёндашувни чет тилини махсус мақсадларда, ҳам норматив, ҳам дескриптив нуқтаи назардан ўқитиш сифатида бутун дискурсив фаолиятнинг коммуникатив ва интерактив феноменини ўрганиш усули сифатида баҳолаш мумкин. Қолаверса, чет тили ўқитишнинг прагматик ва функционал жиҳатларини тизимли интеграциялаш асосида прагма-функционал ёндашувнинг тўртта метаназарий тамойили аниқлаштирилди: функционаллик, ижтимоийлаштириш, экстернализация ва ихтисослаштириш.

Функционалликка касбий дискурсни мақсадли биргаликдаги ҳаракат сифатида қараш йўли билан эришилади; ижтимоийлаштириш тилга оид фаолият истикболини ўзаро ҳамкорлик даражасигача кенгайтириш билан боғлиқ; экстернализация ўтказиладиган нутқий ҳаракатлар билан яратилган пропозиционал ва интерактив модел ва фреймларни қамраб олиш орқали таъминланади; ихтисослаштириш нутқий ҳаракатлар, жумладан, муайян касбий фаолиятга нисбатан қўлланиладиган атамаларни муқобилини танлаб олиш ихтисослаштирилган мунозаралар моделини тартиблаштириш билан таъминланади.

Шу сабабли, фикримизча, олий таълим муассасалари талабаларининг касбий йўналтирилган компетенциясини шакллантириш учун прагма-функционал ёндашувни қуйидаги технологияларни қўллаб амалга ошириш мақсадга мувофиқ: лойиҳавий таълим технологияси, кейс-стади, мантиқий ва танқидий фикрлаш стратегиялари. Булар танқидий, таҳлилий

(аналитик) фикрлашни, синтетик таҳлил, ижодий ёндашувни ўз ичига қамраб олади.

Тадқиқот доирасида касбий йўналтирилган компонент самарадорлигини ошириш мақсадида касбий луғат билан ишлашга ўргатиш тамойиллари, касбий йўналтирилган атамашуносликка доир материалларни танлаш мезонлари методик жиҳатдан аниқлаштирилди, унинг асосида тил ўргатишда юзага келадиган қийинчиликларнинг методик турлари аниқланди ва уларни бартараф қилиш йўллари таклиф қилинди.

Диссертациянинг **“Педагогик тажриба-синовни ташкил қилиш ва ўтказиш”** деб номланган тўртинчи бобида тажриба-синов ишлари мазмуни ва натижалари, жумладан, касбий йўналтирилган компетенцияни шакллантириш модели, махсус мақсадларда инглиз тилини касбий йўналтирилган тарзда ўқитиш технологияси ва шакллари самарадорлиги аниқлаштирилган, қайд этувчи ва шакллантирувчи тажриба-синов босқичлари, аналитик ва статистик таҳлили, тажриба-синов маълумотлари асосида олий таълим муассасалари талабаларининг касбий йўналтирилган компетенциясини шакллантириш алгоритмининг жорий қилиш самарадорлиги ёритиб берилган.

Тажриба-синов ишларини ташкил этиш жараёнида иқтисодиёт факультети талабалари орасидан иккита: тажриба (ТГ) ва назорат (НГ) гуруҳлари шакллантирилди. Махсус мақсадларда инглиз тилини ўргатишга йўналтирилган мотивация даражалари (2-жадвал) кўрсаткичлари, шу билан бирга ўқиш, тинглаш ва сўзлашиш кўникмалари бўйича самарадорлик статистик таҳлил қилинди (3-жадвал).

2-жадвал

Махсус мақсадларда инглиз тилини ўргатишга йўналтирилган мотивация даражалари

Даражаси	Назорат гуруҳлари (243)		Эксперимент гуруҳлар (238)	
	Бошланғич маълумотлар	Натижаловчи маълумотлар	Бошланғич маълумотлар	Натижаловчи маълумотлар
Юқори	52 (21.4 %)	68 (28.0 %)	44 (18.5 %)	66 (27.7 %)
Ўрта	64 (26.3 %)	76 (31.3 %)	60 (25.2 %)	84 (35.3 %)
Паст	127 (52.3 %)	99 (40.7 %)	134 (56.3 %)	88 (37.0 %)

Тажриба-синов ишини шакллантирувчи босқичининг мақсади прагма-функционал ёндашув ва ўқитишнинг мослаштирилган интерфаол методлари, лойиҳайи фаолият, кейс-стади, концептуал-атамашунослик ишини чет тилини касбий йўналтириб ўқитишни долзараблаштириш учун жорий қилишдан иборат тарзда белгиланди. Шакллантирувчи тажриба-синов ишлари касбий фанларнинг ўқув дастурларини такомиллаштириш, келгуси касбий фаолиятни лойиҳалаш ёки уни имитация қилишга асосланган ўқув воситалари ва материаллари билан ишлаш, шунингдек,

талабаларнинг ўз-ўзига ишончи ва ишчанлик фаоллигини ошириш, ўқув жараёнини жадаллаштиришни ҳисобга олган ҳолда, фанлараро интеграцияни таъминлаш орқали амалга оширилди.

3-жадвал

Касбий йўналтирилган компетенция тавсифининг намоён бўлиши асосида шакллантирилган мониторинг натижалари

Касбий йўналтирилган ўқиш кўникмасининг шаклланганлиги										
Даражаси	Бошланғич маълумотлар		I семестр		II семестр		III семестр		IV семестр	
	НГ	ТГ	НГ	ТГ	НГ	ТГ	НГ	ТГ	НГ	ТГ
A1	69.5	73.1	40.7	41.6	15.6	7.5	-	-	-	-
A2	30.5	26.9	38.7	34.0	51.9	41.6	58.4	27.7	44.4	8.4
B1	-	-	20.6	24.4	29.6	40.8	35.8	53.8	46.5	65.5
B2	-	-	-	-	2.9	10.1	5.8	18.5	9.1	26.1
Касбий йўналтирилган сўзлашув кўникмасининг шаклланганлиги										
A1	65.8	67.6	48.6	40.8	38.7	28.6	20.6	12.2	7.8	-
A2	34.2	32.4	46.5	50.8	53.5	50.0	63.0	50.8	67.1	29.4
B1	-	-	4.9	8.4	7.8	15.5	12.3	26.9	19.3	53.0
B2	-	-	-	-	-	5.9	4.1	10.1	5.8	17.6
Касбий йўналтирилган тинглаш кўникмасининг шаклланганлиги										
A1	43.6	53.8	28.8	26.1	16.5	9.2	2.9	-	-	-
A2	56.4	46.2	58.4	44.5	56.0	30.7	51.4	25.2	39.9	5.5
B1	-	-	12.8	27.7	23.4	40.8	32.9	45.4	42.0	52.1
B2	-	-	-	1.7	4.1	19.3	12.8	29.4	18.1	42.4

Шундай қилиб, олий таълим муассасаларида чет тилини амалий йўналтириб ўқитиш касбий таълимнинг асосига қурилади, бунда чет тил, жумладан, инглиз тилида касбий ахборотларни ўрганиш, янги хорижий технологиялар ва тажрибани эгаллаш билан касбий таълим сифатини ошириш воситасига айланади; чет тилни билиш хорижда қўшимча таълим олиш имконини беради. Буларнинг ҳаммаси талабаларни касбий ва шахсий ривожлантиришга қаратилган, касбий йўналтирилган компетенцияни шакллантиришга ёрдам беради ва олий таълим муассасаси битирувчисининг муваффақиятли касбий фаолиятининг шартларидан бири ҳисобланади.

Касбий йўналтирилган компетенцияни шакллантиришга йўналтирилган тажриба-синов ишлари самарадорлиги иқтисодий дискурс нуқтаи назаридан инглиз тилида мутолаа қилиш, гапириш, тинглаш,

танқидий фикрлаш кўникмаларининг намоён бўлиш тавсифига асосланиб таҳлил қилинди. Бундан ташқари, касбий йўналтирилган коммуникатив вазиятларда вербал ва фикрлаш фаолияти кўникмалари, келгуси касбий фаолиятга яқин шароитларда касбий йўналтирилган компетенциянинг намоён бўлиши ҳисобга олинди.

Касбий йўналтирилган компетенция тавсифларининг тилда намоён бўлиш динамикаси 4-жадвалда келтирилган.


4-жадвал

Касбий йўналтирилган компетенция тавсифларининг тилда намоён бўлиш динамикаси

Даражаси	Мутоала кўникмалари				Сўзлаш кўникмалари				Тинглаш кўникмалари			
	Бошланғич маълумотлар		Натижаловчи маълумотлар		Бошланғич маълумотлар		Натижаловчи маълумотлар		Бошланғич маълумотлар		Натижаловчи маълумотлар	
	НГ	ТГ	НГ	ТГ	НГ	ТГ	НГ	ТГ	НГ	ТГ	НГ	ТГ
A1	69.5	73.1	-	-	65.8	67.6	7.8	-	43.6	53.8	-	-
A2	30.5	26.9	44.4	8.4	34.2	32.4	67.1	29.4	56.4	46.2	39.9	5.5
B1	-	-	46.5	65.5	-	-	19.3	53.0	-	-	42.0	52.1
B2	-	-	9.1	26.1	-	-	5.8	17.6	-	-	18.1	42.4
B1+B2			55.6	91.6			25.1	70.6			60.1	94.5

Бунда шахсий тавсифий таҳлил натижалари касбий йўналтирилган компетенциянинг шаклланганлик даражасини билвосита ўзида акс эттиради, чунки у фикрлашнинг самарадорлик ва мобиллик даражаси, абстракт фикрлаш, таҳлил қилиш қобилиятидан далолат беради. Бу кўрсаткичлар ўзаро алоқадор бўлиб, касбий йўналтирилган компетенциянинг шаклланганлиги чет тилларни эгаллаганлик даражаларини баҳолашнинг Европа тизими асосида ишлаб чиқилган мезонлар ёрдамида танқидий фикрлаш кўникмаларининг ривожланганлигини таҳлил этиш орқали аниқлаштирилди. Олинган натижалар қуйидаги график асосида қиёсланди.

Шундай қилиб, олинган тадқиқот натижалари тажриба гуруҳи талабаларининг касбий йўналтирилган компетенциясининг шаклланганлик даражалари назорат гуруҳиникидан юқори эканлигини кўрсатди. Бу ишончли статистик маълумотлар билан тасдиқланди. Бундан ташқари, тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган ва олий таълим муассасалари ўқув жараёнига самарали татбиқ қилинган ташкилий-педагогик шарт-шароитлар бўлажак иқтисодиёт соҳаси мутахассисларининг касбий йўналтирилган компетенциясини самарали шакллантиришга хизмат қилди.



4-расм. Танқидий фикрлашнинг ривожланиш динамикаси

ХУЛОСА

Таҳлилий умумлашмалар, таклиф этилган назарий ғоялар ва методик ишланмалар ҳамда тавсияларни умумлаштириб, шунингдек, уларнинг самарадорлик даражасини баҳолаш асосида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Мақсади олий таълим муассасалари талабаларининг касбий йўналтирилган компетенциясини шакллантириш ҳисобланган касбга йўналтириб ўқитишда педагогик-психологик, психолингвистик омиллар, лингводидактик асослар, тил тайёргарлиги даражаси ва тор соҳасига ихтисослашиш модификациясига эришишда замонавий талабларнинг яхлитлиги ва бирлигини ҳисобга олган ҳолда аниқ методологик ёндашув ва назарияларга асосланиш мақсадга мувофиқ.

2. Маълум методологик ёндашувларни умумлаштириш, инновацион амалиётни тизимлаштириш махсус мақсадларда чет тилини ўқитиш мазмунини модификациялашга оид масалалар, айниқса коммуникатив компетенция таркибига киритиш учун тил ва нутқий материалларни танлаш мезонларини касбий атамашуносликка доир ва иқтисодий дискурсни ташкил қилишдаги қийинчиликларнинг методик турларини ҳисобга олган ҳолда амалий қайта кўриб чиқиш зарур. Чунки ўқув жараёнининг касбий ихтисослаштирилиши ва аниқ мақсадга йўналтириш иқтисодиёт йўналишидаги кадрларга қўйиладиган замонавий талаблар ва назария билан амалиёт, мақсад билан натижалар, стандарт билан сифат, ўқитиш билан ижодкорлик, фундаментал асослар билан интеграцион ривожланиш ўртасидаги барқарор дидактик қарама-қаршилик салбий тенденциясини камайтиради ҳамда талабаларнинг касбий йўналтирилган компетенциясини сифатли шакллантиришга ёрдам беради.

3. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, олий таълим муассасалари талабаларининг касбий йўналтирилган компетенциясини шакллантиришда

